



# О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2022 - yil 7 - oktabr

385-7-0-Q/22

Samarqand viloyat hokimligi

## **Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 12-январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–81-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил 26 августдаги 03-07/3919-сонли хатига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш мақсадида

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН :**

#### **1. Куйидагилар:**

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Низом 1-иловага;

вилоят ҳокимлигининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

вилоят ҳокимлиги одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини кўриб чиқиш комиссияси таркиби 3-иловага;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент 4-иловага;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома 5-иловага;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом 6-иловага;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ёрдамчилари, маслаҳатчилари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, бўлим бошлиқлари ва ходимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда ходимлари доимий равишда ушбу ишлаб чиқилган қоидаларга риоя этилишини таъминласинлар.

3. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи (Б.Рахматуллаев) туман ва шаҳар ҳокимликларига илк бор ишга қабул қилинаётган ходимларни ушбу ишлаб чиқилган қоидалар билан тўлиқ таништирилишини таъминласин.

4. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 9 октябрдаги “Вилоят ва шаҳар, туман ҳокимликлари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 647-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов

Samarqand viloyat hokimining  
2022 yil 7 oktabrdagi  
385-7-0-Q/22-son qaroriga  
5-ilova

**Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига ишга қабул қилинаётган  
номзодларни текшириш бўйича**

**ЙЎРИҚНОМА**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқнома (кейинги ўринларда – Йўриқнома) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда вилоят ҳокимлиги таркибига кирувчи ташкилот ва муассасаларига ишга қабул қилишда номзодлар текширувини ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади.

2. Ушбу Йўриқноманинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

номзод томонидан тақдим этилган ўзи, унинг профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлик ва тижорат алоқалари ҳақидаги маълумотларни текшириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ҳокимликнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳалол, сифатли, пухта, холис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;

ҳокимликда лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш ҳокимлик учун обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;

раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олиш.

3. Ушбу йўриқнома ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан алоҳида тартиб белгиланган лавозимларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

**2-боб. Асосий тушунчалар**

4. Ушбу Йўриқнома мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – Ҳокимлик ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**номзод** – Ҳокимликнинг бўш иш ўрни талабларига жавоб берувчи, вакант иш жойига танлаб олинган жисмоний шахс.

**ноқонуний фойда** – ваъда қилинадиган, таклиф этиладиган, тақдим этиладиган ёки қонуний асоссиз олинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк, ёки мулкрий ҳуқуқлар, афзалликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, бошқа ҳар қандай моддий ёки номоддий фойда;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкрий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

### **3-боб. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари**

5. Ташкилий – кадрлар гуруҳи ҳамда Коррупцияга қарши ички назорат қилиши шўъбаси номзодларни текшириш учун масъул ҳисобланади.

6. Текширув барча доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича қабул қилинган номзодларга нисбатан амалга оширилади.

7. Агар ходимларни танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - ДХРА) томонидан амалга оширилса, номзодларни текшириш номзод қабул комиссияси баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасидан олдин амалга оширилади.

8. Агар номзодларни танлаб олиш ДХРА иштирокисиз амалга оширилса, у ҳолда ишга қабул қилинаётган номзод профессионал танлов ва (ёки) тестдан муваффақиятли ўтгач, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасдан аввал текширилади.

9. Номзодни текшириш 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

10. Номзодни белгиланган муддатларда текшириш холис сабабларга кўра имконсиз бўлса, унинг давомийлиги 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатга чўзилиши мумкин.

#### **4-боб. Текшириш учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш**

11. Номзодни текширишни амалга оширадиган Кадрлар бўлинмаси ва Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходимларига (кейинги ўринларда – Ижрочи) текширувни ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилинаётганда талаб этиладиган ҳужжатлар нусхалари;

12. Маълумотнома олинаётганда тўлдирилмаган бандлар мавжуд бўлса, Ижрочи номзоддан етмаётган маълумотларни сўраб олиши мумкин.

13. Ижрочи номзоддан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тушунтириш ва қўшимчаларни сўраб олишга ҳақли.

14. Номзод сўралаётган ҳужжатлар ёки маълумотларни тақдим этишни рад этган тақдирда номзодни текшириш очик фойдаланувдаги ва Ижрочи тасарруфидаги маълумотлар асосида, шунингдек расмий сўров юбориш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда Ижрочи текширув натижаларига оид хулосада тегишли қайдни амалга оширади.

15. Номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиши унинг ишга жойлашишини рад этиш учун сабаб бўлмайди.

#### **5-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот манбалари**

17. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очик манбалардан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш амалга оширилади.

18. Маълумотларни йиғиш ишга жойлашаётган номзод ҳақидаги умумий ва холис фикрни шакллантириш, номзоддан олинган, жумладан маълумотномада қайд этилган, номзоднинг <https://vacancy.argos.ru> сайтидаги шахсий профилидаги ҳужжатлар ва маълумотлар ишончлилигини баҳолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлигини таҳлил қилиш учун барча очик ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

19. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш учун ахборот манбалари қонунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши лозим. Ижрочи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига, номзоднинг аввалги иш жойлари, ўқув муассасалари ва ҳ.к ларга тақдим этилган маълумотларни текшириш учун расмий сўров юбориш мумкин.

20. Ижрочи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

21. Номзод ҳақидаги маълумотларни текшириш учун қуйидаги очик ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

Давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тадбиркорлар маълумотларини текшириш бўйича платформаси - [https://fo.birdarcha.uz/s/ru\\_landing](https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing)

Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) - <https://stat.uz/ru/uslugi-1/svedeniya-iz-egrpo>

Солик органларининг электрон давлат хизматлари портали - <https://my.soliq.uz/main/?lang=ru>

Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлари портали - <https://data.gov.uz/ru>

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси - <http://kadastr.uz/ru/>

Ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг маълумотлар базаси - <https://mib.uz>

Ахборот қидирув тизимлари (масалан, Google, Яндекс ва ҳ.к.) ва ҳ.к.

Ушбу рўйхат зарур бўлганда ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши мумкин бўлган манбаларнинг тахминий рўйхатини ифодалайди.

#### **6-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текширувини ўтказиш йўналишлари**

22. Номзодларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

номзодда тугатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;

суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга таққ йўқлиги – раҳбарлик лавозимига номзод учун;

номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида уларнинг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги;

аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги;

номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари йўқлиги;

номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намоён этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақиқа мос келмайди ва бошқалар).

23. Қайд этилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий. Бунда текширув йўналишлари рўйхати заруратга қараб ҳар бир аниқ ҳолатда кенгайтирилиши мумкин.

#### **7-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш натижалари**

24. Номзодни текширувини ўтказиш натижалари бўйича Ижрочи томонидан Номзод

текширилгани тўғрисидаги ҳисобот тузилиб (ушбу Йўриқномани 1-илова шакли бўйича), мазкур ҳисобот Кадрлар бўлинмасида сақланади. Ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 2-илова)га киритилади.

25. Ҳокимликнинг ташкилий - кадрлар гуруҳи, ҳокимликдаги Номзодларни текшириш реестрига қиритиладиган маълумотларни йиғиш ва ушбу Реестрни актуал ҳолда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

26. Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг 3 бўлимидаги 3.1, 3.2, 3.3 ёки 3.4 бандлари саволларига битта ва ундан кўп хавф индикаторлари мавжуд бўлган тақдирда (“Ҳа” жавоблари) ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса киритилади.

3.5 ёки 3.6 бандларидаги саволлардан бирига биттасига бўлса ҳам бир ва ундан ортиқ хавф индикаторлари (“Ҳа” жавоблари) мавжуд бўлган тақдирда, текширув ўтказаетган шахс вазиятни коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича баҳолайди.

27. Коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд бўлган тақдирда текширув ўтказаетган шахс уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни таклиф қилади ёки бундай хатарлар даражасини пасайтириш имкони бўлмаган тақдирда номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса беради.

28. Салбий хулоса берилган тақдирда номзодни, шу жумладан ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга ишга қабул қилиш ҳокимлик раҳбари қарорига кўра номзод ишга олинаётган бўлинма раҳбарияти томонидан ҳамда Кадрлар бўлинмаси раҳбари билан келишилган ҳолда тузилган хизмат маълумотномаси асосида амалга оширилади. Хизмат маълумотномасига Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот нусхаси илова қилинади.

29. Текширув натижалари бўйича коррупциявий хатарлар аниқланган ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилган номзод ишга олинган тақдирда ходимнинг раҳбари тавсия этилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланади.

#### **8-боб. Текширувни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларни сақлаш муддатлари**

30. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари (жумладан, Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа ҳамроҳ ҳужжатлар) махфий ҳисобланади ва ишга жойлашаётган номзодни танлаб олиш ва текшириш жараёнида иштирок этмаётган ҳокимлик ходимлари ва бошқа учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

31. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 1-илова)дан фақатгина Ижрочилар фойдаланиши мумкин.

32. Номзод ишга жойлаштирилган тақдирда Текширув ўтказилгани ҳақидаги ҳисоботнинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддат ва тартибда ходимнинг шахсий йиғма жилдида сақланиши шарт.

33. Текширув ўтказилгани тўғрисидаги ҳисобот нусхаси, шунингдек ҳисоботдаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлар (масалан, скриншотлар, кўчирма, ваколатли муассасаларга юборилган сўровлар ва уларга олинган жавоблар ва ҳ.к) ташкилий-кадрлар бўлинмаси томонидан камида 10 (ўн) йил давомида сақланиши шарт.

34. Ҳокимликга ишга жойлаша ололмаган номзодларни текшириш натижалари уч йил давомида сақланади.

35. Агар номзод ҳокимликда ишлашга сўнгги текширув ўтказилгандан сўнг 2 йил давомида даъвогар бўлса, қайта текширув талаб этилмайди (манфаатлар тўқнашуви бўйича текширув бундан мустасно). Агар сўнгги текширув ўтказилганига икки йилдан ортиқ вақт бўлган бўлса, номзод қайта текширилиши лозим.

#### **9-боб. Яқуний қоидалар**

36. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ўзгарган тақдирда ёки номзодларни текшириш жараёнини такомиллаштириш зарурати туғилганда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.

37. Ушбу Йўриқнома қоидаларини бузишда айбдор ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Ҳокимликнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган тартиб ва асосда интизомий ва бошқа жавобгарликка тортилиши мумкин.



**Вилоят, туман ва шаҳар  
ҳокимликларига ишга қабул  
қилинаётган номзодларни  
текшириш бўйича йўриқномага 1-  
илова**

**Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот**

1. Асосий маълумотлар			
1.1	Номзоднинг ФИШ		
1.2	Тутилган саваси		
1.3	Бунд лавозим номи		
1.4	Бўлими		
1.5	Болганиш учун телефон		
1.6	Эл почта манзили		
2. Иш таъриби			
2.1	Аввалги иш жойлари (тескари хронологик тартибда), лавозимлари		
2.2	Аввалги иш жойларидаги саъбий фикрлар мавжудлиги	Ҳа	Йук
		Изоҳ (лар):	
		Манаба(лар):	
3. Текширув натижалари			
3.1	Ушбу йўриқноманинг 11-бандида қўзда тутилган қўжжақларнинг тулик пакети олиндими? «Йук» жавоби фақатгина Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш вақтида талаб этилган қўжжақлар тақдим этилмаган тақдирда берилиши мумкин	Ҳа	Йук
		Ўтшмаётган ҳужжат(лар):	
		Уларнинг йуклиги сабаби(лари):	
3.2	Номзоддан олинган, жумладан маълумотномада курсатилган маълумотларнинг ишончлилиги аломатлари ва у томондан узи ҳақидаги айрим маълумотларни яшириш ёки сохташтириш аломатлари йуклиги	Ҳа	Йук
		Изоҳ(лар):	
		Манаба(лар):	
3.3	Номзодда тугатилмаган судланмиш жараёни ва (ёки) икисодий, жумладан коррупциявий ҳаракатдаги қўшма маълумотларнинг муносабати билан уни мавмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йуклиги	Ҳа	Йук
		(агар жавоб неқобий бўлса, асосини курсатинг)	
		Изоҳ(лар):	
		Манаба(лар):	
3.4	Суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга таъик йуклиги (раҳбарлик лавозимига номзод учун)	Ҳа	Йук
		Изоҳ(лар):	
		Манаба(лар):	
3.5	Номзодда манфаатлар тукнашуви аломатлари мавжудлиги:	Ҳа	Йук

	1) номзоднинг яқин қариндошлари Ташкилотнинг амалдаги ходими ҳисобланади	Ҳа	Йук
	(агар жавоб ижобий бўлса: иш жойи, лавозими, асосий мажбуриятларини кўрсатиш)		
	Изоҳ(лар):		
	Манба(лар):		
	2) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари рақобатлик лавозимни ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимни эгаллаб турган бўлса ёки потенциал равишда Ташкилот контрагентлари бўлиши мумкин бўлган компаниялар бошқарув органилари таркибига кирса	Ҳа	Йук
	(агар жавоб ижобий бўлса: ФИИШ ва қариндошлик даражаси (агар манфаатлар туқнашуви Номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими)		
	Изоҳ(лар):		
	Манба(лар):		
	3) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари ҳар қандай ташкилотнинг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки иштирокида капиталидаги улуғини ёхуд Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасида оммавий муомалада бўлган қиммат баҳо котишларнинг 5% ва ундан ортиқчага эгаллик қилса ёки компаниялар фаолияти натижаларида шахсий манфаатдорлиги бўлса (жуумладан, инвестициялар қиритиш орқали)	Ҳа	Йук
	(агар жавоб ижобий бўлса: ФИИШ ва қариндошлик даражаси (агар манфаатлар туқнашуви Номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими)		
	Изоҳ(лар):		
	Манба(лар):		
	4) Бошқа алоқалар	Ҳа	Йук
	Изоҳ(лар):		
	Манба(лар):		
3.6	Иш жойига номзод ёки унинг яқин қариндошларининг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа жонунга келтириш фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги	Ҳа	Йук
	Изоҳ(лар):		
	Манба(лар):		
3.7	Номзодга нисбатан бошқа қиллар индикаторлари йўқлиги (жуумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида نامойиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш хаёнига мос келмайдиган ва бошқалар)	Ҳа	Йук
	Изоҳ(лар):		
	Манба(лар):		
3.8	Бошқа маълумотлар (жуумладан, интернет-уяма натижалари)	Ҳа	Йук
	Изоҳ(лар):		
	Манба(лар):		
4	Коррупциявий хавф-хатарлар тахлили (3.5 ҳамда 3.6 бандларида ёки ушбу бандларнинг биттасига жавоб ижобий бўлса) ва уларни минималлаштириш чоралари бўйича тавсиялар		
5	Хулоса		
		Ҳа / Йук	Изоҳлар
3.1, 3.2, 3.3 ва 3.4 бандларида кўрсатилган ҳатар индикаторлари мавжудлиги			Ҳа/Йук билан тўлдирилган ҳолда бундан ташқари тахлил қилинган ҳолда
3.5, 3.6, 3.7 ва/ёки 3.8 бандларида ҳатар индикаторлари мавжудлиги			Оқори коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни камайтириш бўйича чоралар қўриш имконисиз бўлган тақдирда хулоса салбий берилди
ЯКУНИИ НАТИЖА	салбий хулоса /ижобий хулоса		
ТАВСИЯЛАР (аниқланган ҳатарларни ҳисобга олган ҳолда)			

Ижрочи

---

(ФИШ)

«    »

20\_\_ й.

---

(ИМЗО)

(сана)

**Вилоят, туман ва шаҳар  
хокимликлари га Ишга қабул  
қилинаётган номзодларни  
текшириш бўйича йўриқномага 2-  
илова**

**Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига ишга қабул қилинаётган  
номзодларни текшириш реестри**

Т/р	Номзоднинг ФИШ	Бўш лавозим номи	Марказий аппаратдаги ёки ҳудудий ва таркибий бўлинма номи	Текширув ижроچиси, ФИШ	Номзодни текшириш бўйича ҳисобот санаси ва рақами	Текширув натижаси (мусбат / манфий / аниқланган хатарлар)	Текширув натижасини асословчи қисқа изоҳлар
1	2	3	4	5	6	7	8
1							
2							
3							
4							
5							
...							